O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
25 MAY
SHANBA
№ 65 (26.924)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 май куни Оксаройда Япония Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси Таро Асо ҳамда мазкур партиядан ушбу мамлакат парламентига сайланган депутат Нарияки Накаямани қабул қилди.

— Сизларни нафақат Японияннинг нуфузли сиёсат ва жамоат арбоблари, балки Ўзбекистоннинг яқин дўстлари ҳам деб биламиз, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш борасидаги ташаббус ва режаларингиз Ўзбекистонда юксак қадрланади.

Президент сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар янада юқори суръат билан ривожланаётганини мамнуният билан таъкидлар экан, бундай юксалиш барча соҳаларда намоён бўлаётгани, хусусан, сиёсат борасида кўплаб халқаро масалалар бўйича томонларнинг нуқтаи назарлари муштарак эканлигини қайд этди.

Шу кунларда мамлакатимизга Япония жамоатчилиги вакилларидан иборат жуда катта делегация ташриф буюради. Ўзбекистон пойтахти, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида японларнинг ўзбек заминида осойиш топган юртдошлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар очилади. Маълумки, Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий асир сифатида мамлакатимизга келтирилган Япония фуқароларининг мақоми ўзгартирилган. Бундай инсонийлик, табиийки, Кунчиқар мамлакати аҳли томонидан юксак даражада қадрланади.

Қабул чоғида меҳмонлар япон халқига эҳтироми ва одил сиёсати учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, бундай руҳдаги муносабатлар кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўташини таъкидлади.

Музокараларда Ўзбекистон-Япония муносабатлари, парламентлараро ҳамкорликка оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

«БОЙСУН БАҲОРИ» ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли фестиваль қатнашчилари!
Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало, сизларни бугунги гўзаллик ва нафосат байрами — «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон заминида қутлашдан ғоят мамнун эканимни изҳор этмоқчиман.

Ўнлаб хорижий мамлакатларнинг вакиллари иштирок этаётган ушбу санъат анжуманининг дунё цивилизацияси бешикларидан бири, кўҳна қадриятлар макони бўлмиш Сурхон воҳасида, қадимий Бойсун тупроғида ўтаётгани бежиз эмас.

Бу бетакрор масканнинг нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Бу юксак эътирофни асрлар давомида халқ оғзаки ижодининг энг гўзал намуналарини, миллий урф-одатларини асраб-авайлаб келаётган ўзбек халқининг қадимий ва теран маънавиятига берилган муносиб баҳо, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу маънода, Бойсун элининг мафтункор санъати ҳам халқимиз яратган бениҳоя бой ва ранг-баранг миллий маданиятнинг ўзига хос бир кўринишидир.

Биз халқимизнинг кўп асрлик ҳаёт тажрибасини, орзу-интилишларини ўзида мужассам этган ўлмас меросимиздан маънавий куч-қувват оламиз, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда мустаҳкам таянч, деб биламиз.

Чунки, халқ руҳининг кўзгуси бўлган фольклор санъати, ўз маъно-мазмунига кўра, одамзот қалбида меҳр-шафқат, муҳаббат ва дўстлик, ҳамжиҳатлик каби эзгу туйғулар уйғотади, ҳар бир инсонни ўзлигини, қадимий томир-илдизларини англашга даъват этади.

Ишончим комилки, сиз, бугун бошланаётган анжуман иштирокчилари, турли миллат ва элатларга хос фольклор намуналарини намоён этиш билан бирга, айни вақтда халқимизнинг қадимий санъати, юксак ижодий салоҳияти, бағрикенглик ва меҳмондўстлик фазилатлари билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўласизлар.

Мен ушбу санъат байрамини ўтказишга ўз ҳиссасини қўшган ЮНЕСКО вакилларига, барча мутасаддилар ташкилотларга, узоқ-яқиндан ташриф буюрган фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига чин юракдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизга ижодий ютуқлар, санъат воситасида халқларни ўзаро яқинлаштиришдек олижаноб ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қўшган катта ҳиссаси, корхонани замонавий технология асосида қайта жиҳозлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида эришган ютуқлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаолияти учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Каримов Ришад Раджабович — «Қувасойцемент» акциядорлик жамиятининг бош энергетиги

Муратов Абдуғани Рузибаевич — шифер ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Республикамизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол ишлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Гафуров Ганиджан — электр цехи бошлиғи

Мамаюсупов Шакир Мирзаевич — электр цехи электромонтёри

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Гелейша Мария Ивановна — шифер ишлаб чиқариш цехи оператори

Никифорова Валентина Сергеевна — марказий лаборатория бошлиғи

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Ахунова Конаатхон Абдуллаевна — электр лабораторияси цехи электр механиги

Мирганбаев Эркатой Эминджанович — тоғ цехи экскаватор машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 20 май

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Козим Тўлаганов бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрининг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ва маданий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, унинг 70 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилганлар қарор ижроси юзасидан Нукус шаҳрини ободонлаштириш, таъмирлаш-тиклаш, янги замонавий иншоотлар барпо этиш бўйича ташкилий қўмита ишлаб чиққан тадбирлар режаси билан таништирилди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш борасида муайян вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса Ерниёзов қатнашди.

■ **А. ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири**

ФРАНЦУЗ ОЛИМИ БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкентда Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари ёш тадқиқотчиларининг француз тарихчиси Франсуа Эно билан учрашуви бўлиб ўтди.

Фанлар академияси Тарих институти, Ёш олимлар миллий жамияти ҳамда Марказий Осиёни ўрганиш Франция илмий-тадқиқот институти (IFEAC) ташаббуси билан ташкил этилган мазкур учрашув Парижда чоп этилган уч жилдлик «Ўрта асрларда (X-XV) мусулмон олами» китобининг тақдимотига бағишланди.

Франсуа Эно йиғилганларга ушбу китоб ҳақида маълумот берар экан, унда X-XV асрларда мусулмон дунёсининг давлатчилик асослари ва ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзига хос ривожланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Икки йилдан буён мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган Франсуа Эно айни пайтда Хоразмнинг XVIII-XIX асрлардаги ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш билан шуғулланмоқда.

■ **Ҳулкар СОДИҚОВА, ЎзА мухбири**

ТОҒЛИ ЮРТДА КАТТА БАЙРАМ

Бугун Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали тантанали очилади

Бугун Бойсунда катта тўй. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг таклифига кўра ўтказилаётган «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалининг дастури тўрт йўналишдан иборат бўлиб, булар фольклор ансамбллари танлови, анъанавий чолғу ансамбллари, халқ достонлари ижрочилиги ҳамда замонавий либослар дизайнчилари танловларидир.

Уни ўтказишдан асосий мақсад эса энг яхши асл фольклор мусиқаси, қўшиқ ва рақслари намуналарини кенг оммага етказиш, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари сингдирилган халқаро маданий ва ижодий алоқаларни кенгайтириш, халқ ижодиётининг ўзига хос анъаналарини топиш, саралаш ва сақлаб қолиш, ёш авлодни халқ маросими ва урф-одатларига, мусиқа маданиятига, бадиий ҳунармандчиликка ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат.

— Мазкур фестивали ўтказиш учун ҳукуматимиз махсус фармойиш чиқаргани улкан иш бўлди, — дейди Бойсун туман ҳокимининг ўринбосари М.Норқулов. — Бу анжуман нафақат Бойсун санъати, урф-одатлари, балки кўпдан-кўп юртлар, халқларнинг ноёб дурдоналарини ўрганиш, халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий урф-одатларини тарғиб-ташвиқ қилиш учун ғоят аҳамиятлидир.

Бугунги тадбирда нафақат республикамиздаги фольклор жамоалар, халқ бахшилари, балки Тожикистон, Англия, Франция, Қирғизистон, Қозоғистон, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Россия каби давлатлардан ҳам ижодий жамоалар: мусиқашунос, фольклоршунос, тарихчи ва бошқа соҳа мутахассислари қатнашмоқда.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ТАДБИРЛИ КИШИ МАБЛАҒ, ТАДБИРСИЗИ БАҲОНА ТОПАДИ

ЁКИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ НОЧОР ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ ХУСУСИДА

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Юртбошимиз бундан тўрт йил муқаддам айтган бу сўзлари бугун ҳар биримизнинг қалбимиздан мустаҳкам жой олган. Бу сўзлар ҳар биримизнинг, халқимизнинг энг ёруғ орзу-ниятига, мақсад-муддаосига айланиб кетди. Баркамол авлод орзуси йўлида таълим тизими тубдан ислоҳ этилди, бу соҳани замон талабига мос равишда такомиллаштириш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда қад ростлаётган замонавий коллеж ва лицейлар, уларда яратилган шароитлар, янги қурилаётган мактаблардан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Навоий вилоятида ҳам ўрта умумтаълим тизимида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги мактаблар қуриш, эскиларини таъмирлаш, уларни молиявий таъминлаш борасида саъй-ҳаракатлар бўлаяпти. Вилоятнинг Навоий, Зарафшон шаҳарлари мактаблари замонавийлиги, зарур ўқув ускуналари, компьютерлар билан жиҳозланганлиги эътиборга сазовор албатта. Навоий шаҳридаги 1-, 4-, 8-, 17-ўрта мактабларда таълим-тарбия ишлари жаҳон андозалари даражасида бўлиб, улар ЮНЕСКО халқаро ташкилоти тасарруфида, 4 та умумтаълим мактаби эса хориж мактаблари билан яқин ҳамкорлик қилади.

Бироқ, вилоятдаги умумтаълим мактабларининг айримларида аҳвол анча ташвишли. Айниқса, Томди, Учқудуқ, Нурота, Конимех туманларида шундай мактаб бинолари борки, улар бугунги кун талабидан анча йироқда. Алмисоқдан қолган биноларнинг деворлари зах тортиб, кўримсиз ҳолатга келган. Иситиш тизимлари ўрнатилмаган ёки ишламайди. Қишнинг аёзли кунларини тасаввур қилиб кўринг. Хатирчи, Қизилтепа, Навоий, Навбаҳор туманларида ҳам айрим мактаблар эътиборга муҳтож ҳолатда.

Вилоятдаги мавжуд 375 та бошланғич, таянч, умумтаълим мактабларининг 30 фоизи ёки юздан ортиғи таъмир талаб. Борди-ю, бу ҳолни дераза шишаси етишмайди, пол учун тахта, ёқиш учун кўмир, табиий газ ўтказиш учун қувур топилмайди, деган баҳоналар билан «ниқоб»ласак, фақат ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз. Қачонлардир хом ғишт ёки гуваладан, пахсадан қурилган мактабларга бугунги кун талаби билан қарасак, кўз ўнгимизда тоқат қилиб бўлмайдиган манзара турганлигини англаймиз.

(Давоми 3-бетда)

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЖОРЖ БУШНИНГ САФАРИ

Европа мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АҚШ Президенти Жорж Буш Берлинда Германия федерал канцлери Герхард Шрёдер билан учрашди. Суҳбат чоғида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик, шу билан бирга, икки томон учун ҳам долзарб бўлган халқаро масалалар хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, АҚШ Президенти Германия Бундестаги (парламент) аъзолари билан ҳам учрашди.

Сўнг АҚШ Президенти Германиядан Россияга келди. Бу ерда у мамлакат Президенти Владимир Путин билан стратегик ҳужум қуроллари сонини қисқартириш тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

Унга кўра, 2012 йилнинг 31 декабрига қадар томонлар ихтиёридаги ядровий ракеталар сони 1700-2200 орасида бўлишига келишиб олинди.

Россиядан сўнг АҚШ Президенти Францияга расмий ташриф буюриб, Президент Жак Ширак билан учрашади. Сўнг Ж.Буш Италия пойтахти Римга йўл олади.

ЧЕГАРАДА ВАЗИЯТ ҚАЛТИС

Ҳиндистон Бош вазири Покистон раҳбариятини террорчиликка қарши кураш борасида ваъдабозликдан нари ўтмаётганликда айблади. Атал Биҳари Важпаининг айтишича, расмий Исломободнинг яқинда Кашмирдаги террорчиларга қарши жиддий курашиш ҳақида берган баёноти илгариги қуруқ ваъдалардан фарқ қилмайди.

А. Важпаи Жамму ва Кашмир штатидаги ҳарбийлар билан учрашуви чоғида, икки мамлакат ўртасидаги уруш эҳтимолига тўхталар экан, «чақмоқ чақиши мумкин, лекин ҳозирча ҳаво очиқ» эканлигини таъкидлади.

Айни пайтда Ҳиндистон ва Покистон Кашмирдаги назорат чизиғида тобора кўп қўшин тўпламоқда. Икки томон бир-бирига замбарак ўқлари ёғдириб турибди. Покистон раҳбарияти кескинликни юмшатишда ёрдам кўрсатишни сўраб, БМТга мурожаат мактуби йўллади.

КЕСКИН ЧОРАЛАР КЎРМОҚЧИ

Буюк Британия ҳукумати ноқонуний муҳожирларга нисбатан кескин чоралар кўрмоқчи. Бош вазир Тони Блэрнинг фикрича, бу муаммо ечилмаса, мамлакатдаги элатлараро тотувликка путур етиши мумкин. Шу сабабли Ўртаер денгизида ноқонуний муҳожирларни ташиётган кемаларни ушлашга қироллик ҳарбий кемалари сафарбар қилиниши мумкин. Буюк Британияда яшаб юрган, лекин қочқин мақомини ололмаган муҳожирлар ҳам мажбурий равишда юртига жўнатилади.

ТИНЧЛАНТИРИШГА УРИНМОҚДА

Покистон раҳбарияти мамлакатдаги хорижлик фуқароларни тинчлантиришга уринмоқда. Ҳукумат уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қурби етиши ҳақида баёнот эълон қилди. Ахборот вазири Носир Меҳмоннинг айтишича, йирик шаҳарларга экстремистлар киришининг олдини олиш учун жуда жиддий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бундай баёнотларга сабаб шуки, куни кеча Буюк Британия Исломободдаги айрим дипломатлари ва уларнинг оила аъзоларини чақириб олди. Бошқа Ғарб давлатлари ҳам шундай ишга қўл урмоқда. АҚШ эса бир неча ой илгариёқ қуйироқ лавозимларда ишлайдиган дипломатларини чақириб олган эди.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ЭРКИНЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ОМИЛ — БУ ЖАМИЯТНИНГ ФУҚАРОЛАРИГА ЯРАТИБ БЕРГАН ЭРКИНЛИК ДАРАЖАСИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида Президент Ислом Каримов мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятимизнинг барча соҳаларини янада эркинлаштириш жараёнларини изчил давом эттириш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар. Шунингдек, республикамизда бўлажак икки палатали парламентни шакллантириш ва унинг вазифалари қандай бўлиши кераклиги ҳақида батафсил тўхталдилар.

Дарвоқе, ислоҳотларни чуқурлаштириш — барча соҳалардаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб борилишини тақозо этади. Агар соҳаларда содир бўлаётган туб ўзгаришлар «мувозанати амалда таъминланмаса, мамлакатда авторитар бошқарув усули юзага келишига ва шу рухдаги қарорлар қабул қилинишига олиб келади» дея таъкидлади Президентимиз.

Бунда нафақат ҳокимият органларидаги нисбий мустақилликни қарор топтириш, балки улар ўртасидаги меъёрий мувозанатларни шакллантиришнинг ўта долзарблиги ҳам назарда тутилди. Янги шакллнадиган қонун чиқарувчи орган ҳаёт билан ҳамоҳанг ривожланиб, давр талаблари синовидан ўтган тамойилларга жиддий эътибор бермоғи керак.

Биринчи тамойилда ҳокимият органлари тизимларидаги ислоҳотларда ўз тажрибаларимиз ва илғор демократик давлатлар тажрибаларига асосланиб, миллий кадрларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий савиясини мунтазам ошириб бориш кўзда тутилади.

Иккинчидан, Юртбошимиз сессияда айтганларидек, фуқароларимизга бериладиган ва бусиз демократик қадриятларни жамиятимизда асло жорий қилиб бўлмайдиган **«Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас реал ҳаётда таъминлаш — бизнинг қонунчилик ва амалий фаолиятимизнинг доимий эътибор марказида»** бўлиши керак.

Дарҳақиқат, ҳар қандай

1

жамиятнинг ҳаракатларини белгилаб берувчи омил — бу жамиятнинг фуқароларига яратиб берган эркинлик даражаси билан ўлчанади. Агар эслай олсангиз, бу ғоя ўз вақтида немис фалсафаси намояндаси Гегел томонидан илгари сурилган. Инсоният фақат ахлоқий қонунлар ва меъёрлар доирасида фаолият кўрсатишга интилади. Зеро, ибтидоий жамоа тузумидаги кишиларнинг ўзаро зарурий алоқадорлик тизимидан ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қонунлар билан кафолатланган эркин кишилар жамияти томон такомиллашиб бориши ҳар доим жамият аъзоларига сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа эркинликларни яратиб беришга қаратилган.

Жамиятда қонун устуворлигининг таъминланиши кишиларда сиёсий-ҳуқуқий эркинликларнинг қарор топишига хизмат қилади. Қонунни билган ва унга риоя қилган кишигина том маънода жамиятда ўз эркинлигини топади. Конституциямизда битилганидек, Ўзбекистон дунёвий тараққиёт йўлини танлаган, бозор иқтисодиёти орқали эркин, демократик жамият қуришни пировард мақсад қилиб қўйган экан, фуқароларни Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларацияси моддаларига мос келувчи сиёсий ҳуқуқлар билан ҳам таъминлаши ва шу мақсадга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиши тарихий заруриятдир.

Бундай сиёсий ҳуқуқлар бошқа соҳада амалга оширилиадиган сиёсий тадбирлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Масалан, сиёсий ҳуқуқлар ёки шахс эркинлиги иқтисодий таъминланмаса (яъни, иқтисодий асосга эга бўлмаса) у нореал, қуруқ, маъносиз гап бўлиб қолади. Демак, кишининг эркинлик даражаси унинг иқтисодий (мулкий) таъминланиш даражаси билан ўлчанади. Яъни, кишиларга берилган мулк эркинлиги ёки жамиятдаги мавжуд иқтисодий эркинлик уларнинг сиёсий-ҳуқуқий эркинликларининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни ва кишилардаги сиёсий-ҳуқуқий эркинликлар аслида бир жараён экан. Шу маънода эркинлаштириш сиёсати жамиятнинг барча соҳаларида эркин фаолият олиб боришни талаб қилади. Бу эса шубҳасиз, тараққиёт демакдир.

Эркинликнинг иқтисодий соҳада амалга оширилиши биринчи галда мулкчилик дахлсизлигини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорликка **«янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, бу соҳада уларнинг қўлоёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан халос қилиш»** — буларнинг ҳамаси фақат иқтисодий тадбирларгина эмас, балки, сиёсий тадбирлар ҳамдир. Шу боисдан Президентимиз **«...эркин иқтисод ривожланиши учун қонунлар билан кафолатланган шароит ташкил қилиб бериш»**ни талаб қилдилар.

Юртбошимизнинг иқтисодиётни эркинлаштиришга алоҳида аҳамият бераётганлигининг сабабларидан яна бири шундаки, бусиз бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Зеро, кўп шаклли мулк таркибида хусусий мулк устуворлиги, тадбиркорлик ва танлов эркинлиги, иқтисодий фаолиятда қатнашувчилар ўртасидаги рақобат каби ўзаро чамбарчас боғлиқ жа-

2

раёнлар бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидандир.

Президентимиз, шунинг учун ҳам кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги салмоғини оширишга эришиш — бўлажак икки палатали парламентимизнинг асосий диққат марказида туриши лозим бўлган масала эканлигини яна бир бор эслатиб ўтдилар.

Хўш, нега кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда? Агар масаланинг иқтисодий аҳамиятини назарда тутадиган бўлсак, ҳар қандай демократик жамиятнинг барқарорлиги — иқтисодий юксалиш ва ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши билан бевосита боғлиқлигини кўрамиз. **«Айни, ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчидир»,** — дея таъкидлаган эди Юртбошимиз олдинги чиқишларидан бирида. Чунки йирик сармоядорлар ўртасидаги зиддият — ўрта мулк эгалари ўртасидаги зиддият даражасида кескин бўлолмайди. Иккинчидан, мазкур табақага мансуб мулкдорлар ўртасидаги рақобат кучаяди ва у пировардида, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юксалишини таъминловчи бош омилга айланади.

Ўрта мулкдорлар табақасининг шаклланишида яна бир муҳим жиҳат борки, бунда мулк эгалари жамиятда ўзига тегишли ҳақ-ҳуқуқлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Жамиятда фуқаролар эркинлигининг иқтисодий асосларини яратмасдан туриб, шахснинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий эркинликларини юзага чиқариб бўлмайди. Жамиятда кишиларга берилган эркинлик даражаси унинг иқтисодий имкониятлари даражаси билан ўлчанмасдан иложи йўқ. Иқтисодий қарам бўлган фуқаронинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳам ижтимоий психология (кундалик онг) даражасида бўлиб, сиёсий жиҳатдан турғун позицияни эгаллай олмайди. Охир оқибат, ўзининг иқтисодий қарамлигига бўйсунишга ва аксинча баъзи ҳолларда (стихияли равишда) норозилик кайфиятларини ошкора намоён этиб, ижтимоий беқарорликни келтириб чиқаришга сабабчи бўлади.

Иқтисодий муносабатларда эркинликни жорий қилишнинг бошқа ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, буни ҳокимият томонидан асоссиз назорат қилишларнинг барҳам топишида, ишлаб чиқаришнинг кенгайишида, иш ўринларининг кўплаб очилишида, солиқ тизимида мантиқий мўътадилликнинг қарор топишида ва бошқа кўплаб соҳаларда ўзгаришларнинг вужудга келишида кўриш мумкин.

Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида хусусий мулкчиликни, майда ва ўрта бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Биргина 2001 йилда хусусий корхоналар сони (қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда) 63 мингга, қишлоқ хўжалигида фермерлар сони эса 55 минг 400 тага етди.

Табиийки, хусусий, майда ва ўрта корхоналар сонининг турли жабҳада кенгайиб бориши аҳолини иқтисодий эркинликда ёппасига фаолликка ўргатади. Бу эса шубҳасиз, тараққиётга олиб боради.

■ **Шерқул ШОДМОНОВ,**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисод фанлари доктори,
Тоҳир КАРИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

3

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАРИХИДАН

РАНГЛИ МЕТАЛЛАР САЛТАНАТИ

ЁХУД АМИР ТЕМУР ДАВРИДА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатини мустаҳкамлашда, унинг ҳарбий ва иқтисодий қудратини оширишда олтин, кумуш, мис, темир, рух, калий каби металлар билан бирга қимматбаҳо тошлар ва минерал хомашёларга, уларнинг янги-янги манбаларини топиш ҳамда бойитишга катта аҳамият берган. Шу сабабдан ҳам Чингизхон истилосидан сўнг бутунлай хароб бўлган қадимий конлар қайта тикланди, металл эритиш манзиллари такрор ишга туширилди. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида жойлашган қадимги Туккент, Мунчоқтепа каби шаҳарларда мис, олтин, кумуш ва темир каби металлар қайта эритила бошланди. Мунчоқтепада турли хил зеб-зийнатлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тадқиқотчи Люсьен Кэрэн ўзининг «Амир Темур салтанати» номли асарида шундай ёзади: «Сара жангчиларнинг қурол-яроғи дубулға, зирҳ, совут, найза, қадоқ, қилич, ханжар, ойболта ва ўқ-ёйдан иборат бўлган. Уларнинг отлари ҳам ўзига хос совут билан ҳимояланган... Янги қурол-яроғларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш устахоналари мавжуд бўлган».

Дарвоқе, Амир Темур ўзи ва қўшин бекларининг совутларига катта эътибор берган. Люсьен Кэрэннинг таъкидлашича, «Қўшиннинг руҳини кўтариш учун улуғ амир одатда Самарқандда тантанали маросимлар пайтидаги каби ҳарбий кўрик ўтказишга қарор қилди... У бошига жавоҳир тошлар билан безатилган тилла тожини кийиб, учида ҳўкиз боши тасвирланган салтанатнинг олтин ҳассасини қўлида тутганича шоҳона либосда от минган эди».

Яна бир жойда муаллиф улуғ амир ўзининг янги невараси шарафига зиёфат уюштирганини айтиб, Темурнинг минг хилда товланиб турувчи қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахти ва қирқ устун кўтариб турган дабдабали гумбаз ўрнатилганини ёзади.

Темур салтанатининг қудратини оширишда Мовароуннаҳр конлари жадал ишлай бошлайди. Тошкент вилоятининг Қизилолма, Кендирсой, Бурчмулла конлари, Фарғона, Бухородаги маъдан заҳиралари ишга тушади. Зарафшон дарёси қумларида олтин ювиб олиш ишлари авжига чиқади. Шунингдек, салтанат бойлигининг ошишида ҳарбий ўлжа сифатида келтирилган олтин, кумуш каби металлар ва қимматбаҳо тошларнинг салмоғи ҳам юқори эди: «Самарқанд лашкарлари йиққан беҳисоб бойликлар ичида олтин, кумуш, мўйна, ёқут, жавоҳир кўп эди».

Улуғ Соҳибқирон биноларни қуришда уларнинг олтин, кумуш ва турли хил бўёқлар билан безатилишини жуда хуш кўрган. Пештоқларга «Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг» деб ёздириб қўйишининг боиси ҳам шунда.

Яна бир жиҳати шундаки, Темур салтанатини нодир тошлар ва қимматбаҳо зебзийнатларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Масалан, Люсьен Кэрэн Сароймулкхонимнинг чет элдан келган элчи ва меҳмонларни зиёфат этиш пайтини шундай тасвирлайди: «Кунлардан бир кун испаниялиқларга соф кумушдан ясалган лаганлар, той-той матолар ва зарбоф тўнлар улашилди. Қадимий анъаналарга кўра, элчиларнинг устларидан феруза қадалган тилла ва кумуш тангалар сочдилар». Яна ёзадики: «Келинкуёвга тўққиз қават шоҳона кийим-бош кийдириб, бошларига тўққиз қатор йирик тилла тошлар билан зийнатланган тож кийдирдилар», ёки «...Элчилар қатор ўрнатилган чодирларда меҳмондорчиликда бўлдилар. Бу ерда ҳам уларнинг кўз олдида қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин жавон ёнида олтита тилла кўза, 6 та тилла пиёла бўлиб, дуру гавҳарлар билан нақшланган эди».

Бу тасвирлардан кўриниб турибдики, Темур салтанатида нодир металлар ва қимматбаҳо тошлар алоҳида ўрин тутган. Биргина Шош-илоҳ мавзесида Амир Темур даврида VII-VIII асрларга қараганда икки баравар кўп мис, олтин, кумуш эритилган.

Масалан, Туккент (Қулота) шаҳар харобаси қазиб ўрганилганда II-XII асрларда (яъни, 1000 йил давомида) бу ерда 100 000 тонна руда қайта ишланган бўлса, фақат XIV-XVI асрларнинг ўзида, яъни 200 йилда 50 000 тонна руда қайта ишланганлиги аниқланди. Қолаверса, Чингизхон истилоси даври (XII-XIII аср)да металл ишлаб чиқариш деярли тўхтаган.

Амир Темур ва темурийлар даврида металл ва қимматбаҳо тошларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни академик Ю. Ф. Буряков ва М. Асқаров тадқиқотларида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу пайтларда пул муомаласида асосан олтин, кумуш ва мис каби металлар ишлатилган. Тадқиқотчи И. Тўхтаевнинг «Темур ва темурийлар сулоласининг тангалари» асарида келтирилишича, 1381 йилдан то 1500-йилгача жуда кўп ва турли шаҳарларда зарб қилинган темурийларнинг танга пуллари бўлган. Масалан, Темур салтанатида пул олиб юришга қодир аҳоли 1 миллион бўлганда ҳам ҳар бири 3 грамм келадиган 33 та мис тангаси бор бўлган одамлар сонини 1 миллионга кўпайтирсак, тахминан жами 1000 тонна мис пул бўлган дея тахмин қилиш мумкин. Бундан ташқари, Соҳибқирон даврида улкан дошқозонлар, самоварлар, офтоба, дарвозаэшик, лаган, қурол-аслаҳа — ҳаммаси металлдан ясалган.

Кези келганда, шуни айтиш керакки, Амир Темур ва ундан кейинги даврларда ясалган кўплаб металл буюмлар ҳали-ҳануз одамларнинг уйларида ташландиқ ҳолда, айрим буюм тўпловчи — коллекционерлар қўлида оддий жиҳоздек сақланиб келмоқда. Айниқса, давлат тасарруфига олинмаган уймузейларида сақланаётган нодир металл буюмлар бугунги кунда хавф остида тургандек кўриняпти. Масалан, Бухорода Амир Олимхон Арк-музейида бир мис офтобанинг нархини 100 000 сўм дейишади. Дейлик, бир уй-музейида 30 тадан ортиқ мис буюм мавжуд бўлса-чи?! Бадиийлиги ва шаклига кўра 100 000 сўмдан 500 000 сўмгача нархланган металл буюмларга эга бундай уймузейларини жиддийроқ муҳофазага олиш пайти келмадимикан? Истиқлолгача бўлган йилларда В.А. Морозов уйидаги 1000 га яқин танга пуллар унинг вафотидан сўнг қариндош-уруғлари томонидан талон-торож қилинди. Давлат тасарруфида бўлмаган уй-музейларидаги буюмлар эса айрим хонадон соҳибу соҳибаларининг саъй-ҳаракати билангина сақланиб турибди, холос.

Хуллас, бугунги ва келажак авлодлар учун ғоят ноёб ва бебаҳо халқ бойлигини сақлаш, асраб-авайлаш тўғрисида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

■ **Жумабой НУРУЛЛАЕВ,**
тарих фанлари номзоди,
Зубайда СУЯРОВА,
тадқиқотчи

ЮРАКЛАРДА ЧАЛИНАДИ СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Болаликнинг масъум онлари, умримизнинг баҳор тонглари аста ортдан қўл силкиётир. Мактаб. Унинг бағридан бугун қалдирғочлар қанот қоқаётир.

Мовий осмон узра болажон парвози бехатар, ойдин йўллар томон кетаётган қадамлари мард ва жасур бўлгай. Негаки, у келажак учун тинимсиз қайғурадиган юрт фарзанди.

Катта ҳаёт йўлида энди чалинади илк қўнғироқлар. Қалбда мангу қолади, бу лаҳзалар, бу гўзал чоғлар.

МАКТАБ. Юраклар ойнасини илк бор очган даргоҳ. Дунё тушунчасини ечиб берган гўша. Тасаввур кенгликларини туҳфа этган билимлар маскани. Она-Ватанга севги оташини илк бор ёққан, тийрак кўзларни дунёга очган саждагоҳ. Болалар бағрингдан муҳаббатни олиб кетади. Ватан меҳрин юрагига солиб, лекин болалигини сенга ташлаб кетади.

МУАЛЛИМ. Бедорим, болам деб суйиб, тунлар китоб узра шам бўлиб ёниб, мурғак гўдакка илм берган буюк зиёкор. Беором. Бағридан учаётган бургутларига оқ йўл тилаган, оқ орзуга ўраган, ойдинлик тимсоли, муаллим.

СИНФДОШ. Ҳаёт йўлларида кутиб турар буюк орзулар. Муҳаббатла тикилган кўзлар қалбларда мангу қолажак.

Юракларда чалинади сўнгги қўнғироқ,
Бошланади йўллар, туғилар орзу,
Бу гўзал онларни англамоқ учун,
Осмон менга бергин олтин тарозу.

Суратларда: ***Каттақўрғон туманидаги Орзи Маҳмудов номли 17-ўрта мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари сўнгги қўнғироқ лаҳзаларида.***

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИРИЛАДИ

Самарқанд телеком шўъба корхонасининг Пахтачи филиалидаги мавжуд 3007 алоқа нуқтасидан аҳоли самарали фойдаланмоқда. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида тумандаги қишлоқларга 1507 та телефон алоқаси ўрнатилган бўлиб, аҳоли оғирини енгил қилмоқда.

Туман алоқачилари Қарияларни қадрлаш йилида 100 дан зиёд нуронийлар хонадонига телефон алоқасини ўрнатиш мақсадида амалий ишларни бошлаб юборишди.

— 2005 йилгача туман марказида 1000 номерга эга янги телефон тармоғини ишга туширишни кўзда тутилмоқда, — дейди туман алоқа шўъба корхонаси директори Ёрмуҳаммад Холмўминов. — Бунинг учун бор имкониятларни ишга солиш йўлида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Шаҳарлараро алоқа хизматида корхона алоқачиларидан Эмена Сулаймонова, Гулбаҳор Баширова, электромонтёр Холмурод Қодиров, Исмат Тошев, Саъдулло Ибрагимовларнинг хушмуомала хизматларидан кўпчилик мамнун.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

«ОТАЙЎЛ» ХОРАЗМЛИКЛАР ХИЗМАТИДА

Сўнгги тўрт-беш йилда вилоят марказидан Ҳазорасп, Боғот туманлари марказларига автобуслар қатнамай қўйганди. Сабаби — алмисоқдан қолган автобуслар аллақачон ўз хизматини бажариб бўлганди.

«Хоразмтранс» давлат ҳиссадорлик корхонаси 43 дона «Отайўл» русумли ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автобусларни харид қилди-ю, аҳвол ўзгарди. Эндиликда бу русумдаги автобуслар шаҳарда ва Ҳазорасп, Боғот, Хива, «Оқ мактаб» йўналишларида мунтазам қатнаб, йўловчилар манзилини яқин қиляпти.

Корхона маъмурияти яқин кунларда ушбу русумдаги автобуслардан яна олтмиштасини харид қилиш ниятида.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

ЎЗБЕК ШИФОКОРЛАРИ ПОЛЬШАДА

Ўзбекистон педиатрлари «Она ва бола» дастури доирасида Польшада ўтказилган халқаро илмий анжуманда иштирок этди. Бу ҳақда Польшанинг Тошкентдаги элчихонасидан **«Туркистон-пресс»**га маълум қилинди.

Шу хилдаги анжуманда ўзбек олимларининг иштирок этиши анъанага айланиб қолди. Ўзбекистонлик мутахассислар Европанинг таниқли педиатрлари билан бир қаторда педиатрия соҳасида Ўзбекистон тиббиётида эришилган сўнгги ютуқларни намойиш этишди. Шунингдек, европалик ҳамкасблари билан яқин алоқалар ўрнатишди.

Катовица шаҳрида ўтказилган мазкур тадбирда республика бош педиатри Дилором Аҳмедова, республика педиатрия маркази директорининг ўринбосари Ҳилола Алимова ва бошқалар иштирок этишди.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ТАДБИРЛИ КИШИ МАБЛАҒ, ТАДБИРСИЗИ БАҲОНА ТОПАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Вилоятда саксонинчи йиллар охири, тўқсонинчи йиллар бошида мукаммал лойиҳа асосида қурилиши бошланган ўндан ортиқ мактаб бор. Уларнинг айримларида 70 фоиз, айримларида 35-40 фоиз иш бажарилган-да, қурилиш тўхтаган. Қизилтепа туманидаги 422 ўқувчига мўлжалланган 19-сонли «Бухоро» мактаби қурилиши 1985 йилда тўхтаган. Икки қаватли чала мактабда атиги 30 фоиз иш амалга оширилди, холос. Ўртачўл даҳасидаги 422 ўринга мўлжалланган Машраб номли 34-мактаб ҳали тўла битмай, дарс ўтиш бошлаб юборилди. Спорт зали, ошхона, буфет сингари қолган бинолар қачон битади, ҳеч ким билмайди.

Хатирчи туманида ҳам худди шундай ачинарли аҳвол. Туманда 82 та бошланғич, таянч, ўрта умумий таълим мактаблари бўлса, улардан 9 таси 1930-40 йилларда қурилган. Аҳмад Ёрлақабов номли ширкат хўжалигидаги 16-сонли Қори Ниёзий номли умумтаълим мактаби 1928 йилда ташкил этилган. Хом ғиштдан қурилган бу мактаб биноси 74 йил бўлибдики, ўқувчилар хизматида. Бу давр ичида ўн минглаб ўқувчиларни учирма қилган ўқув даргоҳи бугун ачинарли аҳволда. 1307 нафар ўқувчиси, 52 та синфи бўлган катта билим масканида атиги 14 та синф хонаси мавжуд. Ўқувчилар шарт-шароити йўқ хоналарда икки сменада ўқитиляпти.

— Мактабимизга яқин бўлган 2-сон касб-ҳунар коллежидан бизга 2 та бино бериб яхши қилишганди, — дейди мактаб директори Раҳим Қудратов, — Афсуски, коллеж маъмурияти бинони яна қайтариб олди. Натижада 613 нафар бошланғич синф ўқувчиларини коллеж ошхонаси ва жамоа хўжалиги болалар боғчасида ўқитаяпмиз.

— Мактабимизга яқин Урганжи қишлоғида 420 ўринли янги мактаб қурилмоқда, — гапга қўшилди мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Худойназар Мавлонов. — У битса ўқувчиларимизнинг ярми мактаблик бўлиб қолишади, лекин қолганлари-чи?

Бу ва бунга ўхшаш ҳолатларни тумандаги Файзулла Хўжаев номли 25-умумтаълим мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин. Абу Али ибн Сино номли ширкат хўжалигидаги 362 нафар ўқувчиси бўлган мактаб бор-йўғи 35 сотих ер майдонига жойлаштирилган. У 1939 йилда қурилган. 63 йил бўлибдики на спорт майдончаси, на спорт зали, на тажриба ер участкасига эга. Синф хоналари тор, зах...

— Мактаб учун биз ота-оналар ҳам елиб-югураяпмиз — дейди І-гуруҳ ногирони, пенсионер Эшназар ота Асқаров. — Ота-оналардан, пенсионерлардан пул йиғиб, ҳашар йўли билан мактабга газ ўтказиб олдик...

Бу каби аччиқ, эътироз тўла сўзларни хатирчилик фахрийлар — Абдулла ота Нарзуллаев, Суннат ака Назароврдан ҳам эшитдик. Улар кўп жойларга мурожаат қилгани, аммо натижа чиқмаганини айтиб, жойларга жўнатилган шикоят хатларидан бирининг нусхасини қўлимизга тутқазишди:

«Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Алиевга, Хатирчи туман ҳокими Эркин Турдимовга тумандаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигининг «Аротепа», «Кенжаюз» қишлоқ фуқаролари меҳнат фахрийлари томонидан

ТАЛАБНОМА

Бизларнинг қишлоғимиздаги Иброҳим Саноқулов номли 3-ўрта мактабни мавсумий таъмирлаш учун туман, вилоят, республика халқ таълими мутасаддиларига мурожаат қилган эдик. Афсуски, талабномамиз ижросиз қолиб кетди. Мактаб 1960 йилда ҳашар йўли билан хом ғиштдан қурилган бўлиб, ҳозир тамоман авария ҳолатида. 391 ўқувчи шу аҳволдаги 8 та синфхонада 3 сменада ўқияпти... Мактабда ўқув жиҳозлари: парта, стол, стуллар йўқ ҳисоби. Борлари ҳам синиб ётибди. Яқинда 4 та синф хонасининг деворлари ёрилиб, пойдевори чўккани учун ўқувчиларни олиб чиқиб, эшикларини михлаб қўйдик.

Мактаб ёнидаги 424 ўринли 2 каватли янги мактаб биноси 90-йилларда тиклана бошланган эди. Қурилиш ишлари 35 фоизга етганда хўжалик қурувчилари маблағ йўклиги боис ишни ташлаб кетишди. Мана, орадан 12 йил ўтибдики, пишиқ ғишт, бетон плиталар қор, ёмғирда ивиб ётибди. Бу каби ачинарли аҳволдан зериккан мактаб директори Тўқсонбой Шомуродовнинг ҳам, мактабдаги 42 нафар ўқитувчининг ҳам дод-фараёдига ҳеч ким қулоқ тутмайди. Шунинг учун ҳам биз, ота-оналар, меҳнат фахрийлари сизларга мурожаат қилишни лозим топдик. Чунки бу мактабда бизнинг фарзандларимиз, невараларимиз ўқийди.

Илашов Шомурод, Санақулов Баҳром, Олимов Бердикул жами 14 имзо. 2001. 6.08».

Яна бир мисол. Навбаҳор туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжалигида жойлашган 19-сон Садриддин Айний номли, «Истиқлол» қишлоқ хўжалик корхонасининг «Оқ олтин» қишлоғидаги 6-сон Фурқат номли умумтаълим мактаблари ҳам ғариб аҳволга келиб қолган. Ҳар икки мактаб биноси 1932-34 йилларда тикланган бўлиб, бугунги таълим тизими талабига мутлақо жавоб бермайди. А.Навоий номли 15-сон ўрта мактабда ҳам айнан шу манзара.

Туманнинг «Янгиқўрғон» ширкат хўжалиги марказий қўрғонидаги 14-сон М.Улуғбек номли мактабнинг 844 ўқувчига мўлжалланган 3 қаватли янги биносини ҳам «зарбдор» қурилиш, дейиш мумкин. 1988 йилда бошланган иншоот 14 йилдирки ўз хотимасини топмаяпти. Атиги бир қавати чала-чулпа битказилган объект ташландиқ ҳолда ётибди.

Бу муаммоларнинг асосий сабаби маблағ масаласига бориб тақалаяпти. Тўғри, бюджетдан ажратилган маблағ ҳамма мактаблар таъмирига етмаётир. Лекин бир ўринли савол туғилади: ҳамма жойда бўлганидек, Навоий вилоятида ҳам тадбиркорлар, ишбилармонлар, ватанпарвар, саховатпеша одамлар бор. Иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналар бор. Уларнинг имкониятлари, кучларидан фойдаланиш мумкин эмасми? Ёки мавжуд имкониятни чуқур таҳлил қилиб, ҳукуматга таклиф киритилса бўлмайдими? Бунга ҳам қобилият, ғайрат керак, албатта.

Таълим соҳасидаги бундай ҳолатга жойлардаги кадрлар қўнимсизлиги ҳам сабаб бўлаяпти. Кейинги 5,5 йил ичида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи 5 марта ўзгартирилди. Бошқарма бошлиқлари бор-йўғи 6 ой, 9 ой, 11 ойдан ишлашди, холос. Раҳбар бугун келиб эртасига кетаверса, вилоятдаги «мажруҳ» мактабларни қандай қилиб янгилашга улгуриши мумкин?

Президентимиз Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида шундай деган эди:

«Республикадаги 764 та ўрта мактабнинг 70 фоизида ўқувчилар икки сменада таълим олмоқда, салкам уч минг ўқувчи эса учинчи сменада ўқишга мажбур бўлмоқда...».

Кўриб турибсиз, Навоийда ҳам аҳвол шу. Мактабларнинг моддий, молиявий аҳволи ўнгланмас экан, аҳвол мураккаблигича қоларади. Айниқса, мана бу изоҳ талаб қилмайдиган рақамга ҳам эътибор беринг: 2002 йилда вилоятдаги коллеж ва академик лицейлар учун 7 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилган. Мактаблар қурилиши таъмири учун эса бор-йўғи 783 миллион сўм!

Вилоятдаги барча мактабларнинг ўқитувчилар жамоалари, ўқувчиларнинг ота-оналари айни шу масалада республика Халқ таълими вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигидан жўяли жавоб кутмоқдалар.

Хотима ўрнида: танқид унча-мунча одамга ёқмайди, албатта. Бу мақола ҳам вилоятдаги айрим раҳбарларнинг ғашини келтириши мумкин. Аммо бизнинг ниятимиз холис — хароб мактабларда оғир шароитда ўқиётган болаларга, ишлаётган ўқитувчиларга озгина бўлса-да кўмаклашиш. Қолаверса, мактаб, маърифат — бу миллат, мамлакат келажаги билан боғлиқ масала. Бундай мўътабар, масъулиятли ишда муросасозлик қилишга ҳаққимиз йўқ, деб ўйлаймиз.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЕТТИ ТОННА ЗАҲАРЛИ МОДДА... ЙЎҚОЛГАН

Мексика ҳукумати мамлакатда фавқулодда вазият юзага келишидан жиддий хавотирда. Яқинда раҳбарият пойтахт яқинида йўқолган етти тонна цианид моддаси аҳоли саломатлигига таҳдид солиши мумкинлигини эълон қилди.

Гап шундаки, май ойининг бошида Мексиканинг Идалго штатида номаълум шахслар томонидан тўққиз тонна заҳарли кимёвий модда ортилган юк машинаси ўғирланган эди. Полициячилар машинани топганда, унда атиги икки тонна юк қолган экан. Жиноятчилар аниқланмагани учун йўқолган заҳарли моддаларнинг қаердалиги номаълумлигича қолмоқда. Бу ҳолат давлат раҳбарияти ва полицияни таҳликага солиб қўйди. Ҳукумат зудлик билан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Айни пайтда пойтахт чегаралари қаттиқ назорат остига олинган.

Мутахассисларнинг билдиришича, цианид ўткир заҳарли модда ва уни бемалол оммавий қирғин қуроли сифатида ишлатиш мумкин. Бунинг учун озгина цианидни сувга аралаштириш кифоя. Аралашма инсон организмига тушгач, одамни қаттиқ заҳарлайди, охир-оқибат бу ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

ПОДШОҲ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Швейцарияда анчадан бери даволанаётган Саудия Арабистони подшоси Фаҳд яқин кунларда тизза бўғимини операция қилдириш учун жарроҳлик столига ётиши мумкин. Саудия Арабистони подшоҳлиги тарқатган манбаларда шу ҳақда хабарлар бор. Аммо шуни айтиш керакки, ёши улғайиб қолган ва соғлиғи анча ёмонлашган (қандли диабет, қон босимининг бузилиши ва бошқа касалликлар ҳуруж қилиб туради) бўлишига қарамай подшоҳ ҳали бирор марта тизза бўғимларидан шикоят қилмаган эди.

ЎЗИНИ ЎЗИ ОСИБ ҚЎЙДИ

Японияннинг Роккасе қишлоғи (Аомори ҳудудий бўлинмаси) мэри Хисаси Хасимото ўрмонда ўзини-ўзи осиб қўйибди. Полиция берган маълумотга кўра, ўрмонда Хасимотонинг мурдаси дарахтга осилган ҳолда топилган. У порахўрликда айбланаётган эди. Ўтган ҳафтада Роккасе полиция участкасига қайта тергов учун чақирилган эди.

ЖАҲОН АНДОЗАСИ ВА ТАЖРИБАЛАРИ

ЕЛИСЕЙ СОҲИБЛАРИ

ФРАНЦИЯДА ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИ

Шу йилнинг апрель-май ойларида Францияда бўлиб ўтган президентлик сайловлари жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида бўлди. 21 апрелда ўтказилган биринчи босқич сайловларида ўта радикал ўнг қанот — Миллий Фронт партияси етакчиси 74 ёшли Ли Пеннинг ғалаба қозониши барчани эсанкиратиб қўйди. 16,86 фоиз овозни қўлга киритиб, у ҳатто мамлакатни 14 йил (1981-1995) муттасил бошқарган социалистлар партиясининг вакили, собиқ бош вазир Л. Жоспенни ҳам ортда қолдирди (16,18 фоиз). Миллатчи ва шовинистик руҳдаги радикал партиянинг ҳокимият тепасига келиб қолиш эҳтимоли дунёдаги барча демократик кучларни ташвишга солди. Нацизм хавфига қарши бутун Франция қўзғалди. Париж кўчаларида минглаб кишилар норозилик намойишига чиқдилар. Европа Иттифоқи ташкилоти раҳбарлари Ли Пеннинг ҳокимиятга келиши Европа интеграциясининнинг келажагини хавф остига қўйиши мумкинлигини таъкидладилар. Ниҳоят, 4 май куни бўлиб ўтган ҳал қилувчи иккинчи босқич сайловларида мўътадил ўнг партия етакчиси — 70 ёшли Жак Ширак иккинчи марта мамлакат президенти этиб сайланди. Бир сўз билан айтганда, гарчи демократик кучлар ғалабаси билан якунланган бўлса-да, Францияда еттинчи марта ўтказилган президентлик сайлови ғоят оғир кечди.

Францияда президентлик институти 1848 йилдан бери такомиллашиб, бугунги кунда ўзининг тугал ва айни пайтда мураккаб тизимига эга бўлди. 1793 йил 21 январда охирги қирол Луи XVI ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса-да, мамлакатда монархия тузуми ҳали бутунлай тугатилмаган эди. Ниҳоят, мамлакат тарихида **Биринчи республика** ўрнатилди. Ўн асрдан бери давом этиб келаётган мустабид яккаҳокимлик интиҳосини топди. Бироқ, республика тузуми тўла оёққа туриши учун шарт-шароитлар етилмаган эди. Эндигина куртак ёзиб келаётган демократия бир неча марта аёзли бўҳронларга дучор бўлди. 1799 йил 9 ноябрда давлат тўнтариши билан ҳокимият тепасига келган Наполеон Бонапарт 1804 йил 2 декабрда ўзини император деб эълон қилди. Унинг қудратли армияси машҳур Ватерлоо жангида мағлубиятга учрагач, 1815 йил 8 июлда Бурбонлар сулоласининг охирги вакили — қирол Луи XVIII яна тахтга ўтирди. 1848 йил мамлакатнинг барча нуқталарини қамраб олган февраль инқилоби **Иккинчи республика** тузумининг ўрнатилиши билан якун топди. **1848 йил 10 декабрда мамлакат ўзининг биринчи президентини сайлади.** Биринчи президент сайловида Н. Бонапартнинг жияни Луи Банопарт ўз рақиблари Ковеняк, Ледрю-Роллин ва Ламартинни ортда қолдириб, тўғридан-тўғри ва умумий овоз бериш йўли билан президент этиб сайланди. 1848 йил 4 ноябрда қабул қилинган Конституция унинг мандатини 4 йиллик муддат билан чеклади ва ваколатларини белгилаб берди. Қонунга кўра бир шахс узлуксиз равишда иккинчи мандатга сайлана олмас эди. 1873 йил 20 ноябрда қабул қилинган қонун ижроия ҳокимиятнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 7 йиллик президентлик бошқаруви мандатини жорий этди. Бу президентлик институтини ислоҳ қилишга қаратилган биринчи тадбир эди. Чунончи,1873 йил 24 майда 4 йилга президент этиб сайланган мамлакатнинг учинчи президенти Маршал Мак-Маоннинг ваколати етти йилга узайтирилди. Септанна (етти йиллик) деб ном олган мазкур ислоҳот даставвал бир қатор муаммоларга сабаб бўлди. Ҳокимият амалда Президент ва Вазирлар Кенгаши вице-президенти орасида бўлиниб қолган эди. Президентга кенг ҳуқуқлар берилган ҳолда, унинг мажбуриятлари қонунда етарли даражада акс этмади. Шундай бўлсада, Президент француз халқи олдида катта масъулиятни ўз зиммасига олишга журъат этди: ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг ислоҳотлар дастурини бошлаб юборди. 1875 йил 24 февралда президентлик институтини ислоҳ қилувчи яна бир қонун қабул қилинди. Эндиликда президент парламент томонидан яширин тарзда, мутлақ кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланадиган бўлди.

1946 йил 27 октябрда қабул қилинган **Тўртинчи республика**нинг янги конституцияси президент ҳокимиятини сезиларли равишда чеклади. Президент парламент томонидан етти йил муддатга сайланадиган бўлди. Унинг парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи ва қонунлар ижросини таъминлаш ваколати ҳукумат бошлиғи — Вазирлар Маҳкамасининг раисига берилди. Президент ҳокимияти рамзий аҳамият касб эта бошлади. Унинг сиёсий жавобгарлиги қонун билан белгиланмади. Ниҳоят француз халқи 1958 йил 28 сентябрда референдум орқали янги конституция қабул қилди. Мазкур конституция 4 октябрдан кучга кирди ва **Бешинчи республика** сиёсий тузумини жорий этди.

Франция. Тулуза шаҳрининг Капитолий майдони

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ

1962 йил 28 декабрдаги умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган биринчи конституциявий ўзгартириш президентлик сайловларига тегишли эди. Референдум қарори президентнинг 75 минг кишилик сайловчилар коллежи томонидан сайланиш тартибини бекор қилди. Конституциянинг 6 ва 7-моддалари ислоҳ қилинди. Эндиликда президент тўғридан-тўғри овоз бериш асосида Ноябрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловларидан сўнг, халқ 1958 йил 28 декабрда мамлакат тарихидаги 18-президент ва айни пайтда амалдаги Бешинчи республика асосчиси Шарль де Голлни президент этиб сайлади. Янги конституцияга асосан президентга кенг ваколатлар берилди. Президент 20-моддага кўра миллий сиёсатни олиб боради ва унинг асосий йўналишларини белгилайди. У ўз ваколатини тўғридан-тўғри халқдан оладиган ва энг муҳим масалаларни референдум орқали халқ муҳокамасига қўя оладиган бўлди.

Францияда президентлик институти ислоҳотларининг охирги босқичи 2000 йил 24 сентябрда бўлиб ўтган референдумда ўз аксини топган. Умумхалқ овоз бериш йўли билан президентнинг конституциявий ваколати етти йилдан беш йиллик қилиб ўзгартирилди. 1973 йили президент Ж.Помпиду мана шундай ташаббус билан чиққан, бироқ қонун лойиҳаси Сенат томонидан маъқулланмаган эди. Президент Ж. Д` Эстен (1974-1981) ва Ф. Миттеран ҳам бу таклифни илгари суришган бўлса-да, амалда ҳеч қандай қонун лойиҳаси ўртага ташланмади. Ҳозирги президент Ж. Ширак ўз сайлов дастурларида бундай масалага эътибор қаратмаган. Бироқ мазкур ўзгариш айнан унинг президентлик даврига тўғри келди. Шундай қилиб, мамлакатнинг 23-президенти 5 йиллик муддатга сайланди. Бу билан Президентнинг сиёсий мавқеи тушиб қолмади, албатта. Аксинча, вақт тарозиси унинг масъулиятини янада оширди. Иккинчи босқичли тартибда мажоритар сайлов тизимига кўра униноминал (ҳар бир номзодга алоҳида овоз бериш) йўли билан сайланадиган бўлди. Ҳар икки босқич орасида 15 кун вақт бўлиши керак. Биринчи босқичда энг кўп овоз олган икки номзодгина иккинчи ҳал қилувчи босқичга ўтади.

Сайлов кодексига биноан 23 ёшга тўлган француз фуқаролари ўз номзодини кўрсатишлари мумкин. Унинг номзодини 500 нафар сайланган фуқаролар (депутатлар, мэрлар, маҳаллий ва регионал Кенгаш аъзолари) ўз имзоси билан тасдиқлашлари лозим. Номзод гаров сифатида Бош тўлов хазинасига 10000 франк ёки 1 500 доллар қолдириши ва ўзининг мулкий ҳолати тўғрисидаги декларацияни ҳам илова этиши керак. Мазкур ҳужжатлар сайлов кунидан камида 19 кун олдин Конституциявий Кенгашга юборилади. Сайлов бошланишидан 16 кун олдин эса номзодлар рўйхати эълон қилинади. Уларнинг сони 15-20 нафарга етиши ҳам мумкин. Масалан, 1974 йили президент сайловларида биринчи босқичда 12 номзод овозга қўйилган.

Агар мазкур номзодлардан биттаси мутлақ кўпчилик, яъни 50 фоиздан кўп овозни қўлга киритса (бундай ҳолат ҳали кузатилмаган), иккинчи босқичга ўрин қолмайди ва у мамлакат президенти этиб сайланади. Акс ҳолда, биринчи турда энг кўп овоз олган икки номзод иккинчи босқичда иштирок этади ва кўпчилик овозга эга бўлган (50+1) номзод ютиб чиқади. Иккинчи босқич номзодлар учун оғир кечади. Баъзан жуда кичик қолдиқли фоизлар уларнинг тақдирини ҳал этади. 1974 йил Ж. Д` Эстен 50,81 фоиз билан 49,2 фоиз овоз тўплаган Ф. Миттеранни доғда қолдирган эди. Иккинчи босқичда энг кўп овозга эга бўлган президент Ж.Помпиду ҳисобланиб, у 1969 йили 58,21 фоиз овоз соҳиби бўлган. Бироқ, 2002 йилнинг 4 майида мисли кўрилмаган кўрсаткич қайд этилди: Ж.Ширак иккинчи босқичда 82,3 фоиз овоз билан рақиби Ли Пенни мағлуб этди.

Сайлов харажатлари масаласида биринчи босқичда камида 5 фоиз овоз олган ва мағлубиятга учраган номзодларнинггина харажатлари 15 000 доллар (100 минг франк) маблағ билан қопланади.

БОШҚАРУВИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Франциянинг президентлик институти бир қатор ўзига хосликларни намоён этади. Президент ижроия ҳокимиятни парламент кўпчилиги вакили ҳисобланган Бош вазир билан бирга амалга оширади. Бундай бошқарув бицефал, яъни «икки бошли» ҳокимият деб аталади. Бош вазир мухолиф партиянинг вакили ёки етакчиси бўлиб қолиши ҳам мумкин. Мана шундай ҳолатда «бирга яшаш» ёки бамавжудлик (cohabitation) юзага келади. 1986-1988, 1993-1995, 1997-йилдан ҳозирги кунга қадар уч марта шунга ўхшаш вазият қайд этилган. Баъзи ҳолларда президент парламент кўпчилиги билан келиша олмай, ихтилофдан чиқиб кетиш учун парламентни тарқатиб юбориши мумкин. Навбатдаги парламент сайловларида унинг учун ҳайрихоҳ парламент кўпчилиги вужудга келиши билан унинг сиёсий мавқеи мустаҳкамланади. Бироқ, ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Президент ҳозирга қадар беш марта 1962 йил 6 октябрда, 1968 йил 30 майда, 1981 йил 18 майда, 1988 йил 13 майда, 1997 йил 21 апрелда парламентни тарқатиб юборган. 1968, 1981 ва 1988-йилларда тарқатиб юборилган парламент ўрнига президент учун кутилган парламент сайланди. Унинг партияси парламент кўпчилигини ташкил этди. Бироқ, 1997 йилда қайта сайланган парламентда яна мухолиф партия кўпчиликни ташкил этиб қолди ва президент бу сафар «сўллар» Бош вазири билан бирга ишлашга мажбур бўлди.

Ваколатлар Президент ва Бош вазир ўртасида тақсимланган. Яна шундай соҳалар борки, (масалан, ташқи сиёсат ва мамлакат мудофааси) уларда Президент ва Бош вазир ваколатлари аниқ чегаралаб берилмаган. Бу эса ўз навбатида президентлик ҳокимиятига путур етказиши мумкин бўлган ҳолатдир.

1873-йилдан бошлаб Сена дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган Парижнинг машҳур Фобург-Сен-Оноре кўчасидаги Елисей Саройи Президент қароргоҳидир. Президент Вазирлар Кенгаши мажлисларини ҳам шу саройда олиб боради. Франция президентларининг «Елисей соҳиби» деб аталиши шундан келиб чиққан.

■ **Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
сиёсий шарҳловчи

ОАО «SHODLIK»

Наблюдательный совет открытого акционерного общества «Shodlik» извещает о созыве очередного собрания акционеров, которое состоится 22 июня 2002 года в 15.00 по адресу: Г. Ташкент, Шайхонтохурский район. ул Пахтакорская 5.

Повестка дня: *1. Отчет правления АО. 2. Разное.*

ОАО «RAUPXON»

Сообщает о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 28 июня 2002 года в 10 часов по адресу: г. Ташкент, ул. Каракамышская, 4.
Начало регистрации: 9 часов 30 мин.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение отчета бухгалтерского баланса, отчета прибылей и убытков, 2-ЦБ за 2001 год.
2. Утверждение отчета ревизионной комиссии и заключение аудитора.
3. Рассмотрение и утверждение бизнес-плана на 2002 год
4. Утверждение рещений Наблюдательного Совета за 2001 год.
5. Распределение прибыли общества за 2001 г.

При себе иметь паспорт.

Список акционеров, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров составлен по состоянию на 28 мая 2002 г. С материалами собрания акционеры могут ознакомится по адресу:
ул. Каракамышская, 4. *Телефон: 21-30-37*

Наблюдательный Совет ОАО «RAUPXON»

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

АВГУСТИН АВРЕЛИЙ – ФАЙЛАСУФ, КАТОЛИК ЧЕРКОВИНИНГ НУФУЗЛИ ТАРҒИБОТЧИСИ ВА СИЁСАТЧИСИ. 354-430 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

❑ Одамлар ғамга қанчалик ботсалар, шунчалик азоб-уқубат тортадилар.

❑ Ўлим — унинг ортидан ниманинг келиши туфайлигина ёвуз.

❑ Жонларнинг таналар билан боғланиш усули одам учун ниҳоятда ҳайрон қоларли ва асло тушунарсиз, ҳолбуки, бу айни одамнинг ўзгинасидир.

❑ Баъзан, жазоловчи раҳмдилликнинг бўлгани каби, асраб-авайловчи бераҳмлик ҳам бўлади.

❑ Баркамоллик инсоннинг ўзини нотакомил эканлиги тўғрисидаги билимидир.

❑ Барча инсоний мусибатлар бизнинг фойдаланиш лозим бўлган нарсалардан лаззатланишимиз ва лаззатланиш лозим бўлган нарсалардан фойдаланишимиз боис юз берадилар.

❑ Эркимиз ҳамиша қўлимизда, бироқ, у ҳамиша ҳам эзгу эмас.

❑ Одамнинг калласига ниманинг келиши унинг измида эмас.

❑ Ўзга томон ҳам эшитилмоғи лозим.(Судда ишни холисона кўриб чиқишнинг, Августин томонидан киритилган, асосий тамойили).

❑ Тубсиз улкан чуқурлик, бу – одамнинг ўзи, унинг сочлари толаларини санаш, туйғулари ва қалбининг ҳаракатларини ҳисоблашга қараганда, осонроқ.

❑ Абадият мазасидан татибгина, ўткинчи нарсага иштиёқдан воз кечиш мумкин.

❑ Ёмонлик деб, одам амалга ошираётган нарса ҳам, у чидаб ўтирган нарса ҳам аталади. Биринчиси — гуноҳ, иккинчиси – жазо... Одам ўзи хоҳлаган ёмонликни қилади ва ўзи хоҳламаган ёмонликка дучор бўлади.

❑ Агар ёмонлик бўлмаса, унда ёмонликдан кўрқувнинг ўзи ҳам ёмонликдир.

❑ Оппа-ойдин, одамнинг эътиборини тортмайдиган, ҳақиқат, кишини, у буни киноя орқали кўрганида, ўзига мафтун этади.

❑ Фалсафада ўтказиладигандан бошқа бирон-бир бахтиёр ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас.

❑ Ўзининг меъёрини билган, яъни донолик фазилатига эга, ҳар кимса – бахтиёр.

❑ Ҳамма бахтиёр бўлишни хоҳлайди, аммо, бу ҳамманинг қўлидан келмайди.

❑ Ажойиб от ҳаммага ёқади, бироқ, негадир, ажойиб от бўлишни хоҳлайдиганлар мутлақо йўқ.

❑ Узил-кесил мулоҳазаларни гапирманг!

❑ Доно бўлиш ушбу дунё учун ўлмоқни англатади.

❑ Тушуниш учун инонгин.

❑ Сени мадҳ этганларида, ўзингдан нафратлан. Ким сен орқали ҳаракат қилаётган бўлса, сенинг тимсолингда ўша мадҳ этилади.

❑ Англаёлмасак, инонайлик.

❑ Агар мен гапираётган нарсаларни тушунмаётган бўлсанг ва буларнинг ҳаққонийлигига шубҳалансанг, ҳеч бўлмаганда, бунда ўз шубҳангга шубҳаланмаётмаганлингга эътибор қил.

❑ Биз ҳаётни унинг ўзи боис эмас, балки, билиш туфайли севамиз.

❑ Аристотелнинг барча тушунчаларини ўрганиш менга бирон-бир фойда келтирдими? Йўқ. Бу, ҳатто, зарарли бўлди.

❑ Ўйлайманки, ҳақиқатни ягона Худогина билади ва инсоннинг руҳи танани, яъни ушбу қоронғи зиндонни, тарк этганида билиб олади.

❑ Адолатсиз салтанат қароқчилар макони эмасмикан?

❑ Фаҳмлашга тегишли барча нарсалар тўғрисида биз, ҳеч бўлмаганда, уларни ҳаққоний ёки ёлғон эканлигини биламиз, демакки, ҳеч нимани билмаймиз эмас.

❑ Биз еру осмоннинг яшаш муддатини билмаймиз, аммо, 3 қўшув 7 ҳамиша 10 бўлишини биламиз.

❑ Одамнинг ўзи кишилар яратадиган барча мўъжизалардан энг каттасидир.

❑ Инонмоқ учун фаҳмла.

❑ Одам, туғилиши биланоқ, ўла бошлайди... аниқроғи, у, бир вақтнинг ўзида, яшайди ва ўлади.

❑ Мен буйруқ берувчиларга эмас, балки, ўргатувчиларга кўпроқ ишониш кераклигига иқрор бўлдим.

❑ Худди сокинлик ҳар қандай шовқиннинг, ялғончлик — кийим-бошнинг, хасталик — соғлиқнинг, қоронғилик — ёруғликнинг йўқлигиданлиги каби, ёвузлик ҳам, ўз-ўзидан мавжуд бўлмай, балки, эзгуликнинг йўқлигидандир.

❑ Мутлақо йўқ нарсани ҳеч ким ҳеч қачон сева олмайди.

❑ Нима учун қалбнинг Худога хиёнати, аёлнинг эрга хиёнатига қараганда, кичикроқ жиноят экан?

❑ Олам яратилгунга қадар, вақт мавжуд бўлмаган. Яратилиш баъзи ҳаракатни келтириб чиқарди; вақт — ушбу ҳаракатнинг лаҳзалари ва оламнинг ўзгаришидан иборат.

❑ Дарвеш Августиндан сўрадилар: — Мўъжизалар борми? — Бор, — деди у. — Қуёшнинг чиқиши чинакам мўъжизадир.

❑ Барча ўзга ишларда биз эҳтимолийлик билан дуч келамиз, аммо, имон хусусида гап кетганда, ҳар қандай «бўлиши мумкин», деган нарсага ўрин қолмайди.

❑ Заруратда — муштараклик, шубҳалиликда — эркинлик, ҳамма нарсада — муҳаббат.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида

ФУТБОЛ

ФИНАЛДА КИМЛАР ЎЙНАЙДИ?

22-23 май кунлари футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финал баҳсларининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди.

Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари Зарафшонда «Қизилқум» жамоаси меҳмони бўлди. Қизиқарли ва ҳужумкор руҳда ўтган мазкур учрашувда мезбонлар ҳужумчиси Фарид Хабибулин тўртинчи дақиқадаёқ ҳисобни очди, Биринчи бўлим охирларида эса «Нефтчи» ҳимоячиси Равшан Маталиев вазиятни тенглаштирди — 1:1. Учрашув охиригача бу ҳисоб сақланиб қолди.

Ярим финалнинг иккинчи баҳси Қаршида «Насаф» — «Пахтакор» ўртасида ўтказилди. Кўпчилик мутахассислар ушбу ўйинда дуранг ҳисоби қайд этилишини башорат қилишганди. Аммо ўзга майдонда бўлишига қарамасдан чиройли ўйин намойиш этган пахтакорчилар «Насаф» жамоасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учрашувнинг 9-дақиқасида мезбонлар ҳимоячиси Ботир Қораев ўз дарвозасига тўп киритиб, «Пахтакор»ни олдинга олиб чиққан бўлса, 35-дақиқада Шуҳрат Раҳмонқулов ҳисобни тенглаштирди. Бироқ, ниҳоятда шиддатли кечган иккинчи бўлимда пахтакорчи Гочқули Гочқулиев, Тимур Копадзе, Зайниддин Тожиев, Александр Гейнрихлар ўз жамоаларининг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминладилар.

Ярим финалнинг жавоб учрашувлари 26 июнда бўлиб ўтади.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

БУХОРО ИСТЕЪДОДЛИЛАРНИ КАШФ ЭТАДИ

ЭРТАГА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИККИНЧИ АНЪАНАВИЙ «УНИВЕРСИАДА»СИ БОШЛАНАДИ

«Универсиада — 2002» машъаласи йўлга чиқди

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида яратилган уч босқичли оммавий спорт тизими 2000 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Ушбу тизимнинг биринчи бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари ҳар йили ўтказилса, иккинчи бўғиндаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшларининг «Баркамол авлод» ўйинлари икки йилда бир — тоқ йилларда, учинчи бўғин — олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги «Универсиада» баҳслари икки йилда бир — жуфт йилларда бўлиб ўтади.

Мазкур спорт ўйинларининг ўзига хос аҳамияти шундаки, улар ўсмирлар ва ёшларнинг барча қатламларини қамраб олади. Спорт илк бор мактабда ўқувчида кундалик кўникмани шакллантирса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида унинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб қолади. Институт ва университетда эса спорт талабани халқаро турнир, қитъа ва жаҳон чемпионатларига олиб чиқади.

Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган бу нуфузли мусобақаларнинг энг юқори босқичи ҳисобланган «Универсиада»га мамлакатимиз талаба-спортчилари қандай тайёргарлик кўришди? Иккинчи маротаба ўтказилаётган «Универсиада» дастурида ўзгариш ва янгиликлар борми? Мусобақа ғолибларини қандай соврин ва мукофотлар кутмоқда? Мухбиримиз «Универсиада — 2002» ташкилий қўмитаси котиби, Олий ўқув юртлари бош бошқармаси бош мутахассиси Эргаш КАРИМОВ билан суҳбатлашди.

— Илк бор бундан икки йил муқаддам Наманганда бўлиб ўтган «Универсиада — 2000» мусобақаларида умумжамоа ҳисобида Наманган вилояти вакиллари биринчи, «Тошкент-1» жамоаси иккинчи ҳамда Самарқанд вилояти талабалари учинчи ўринни эгаллагандилар, — дейди Э.Каримов. — «Универсиада» мусобақалари талабалар ўртасида спортга бўлган қизиқишни ошириб юборди. 2000 йилга қадар спорт тўгаракларида мунтазам шуғулланувчилар талабалар умумий сонининг 5-6 фоизини ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 14-15 фоиздан ортди. Бундан ташқари, «Универсиада — 2002» Низомида белгиланган спорт турлари бўйича олий ўқув юртларида янги тўгараклар ташкил этилиб, зарур анжомлар билан таъминланди. Жумладан, ўтган йили олий ўқув юртлари томонидан 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига спорт анжоми ва кийимлари харид қилинди. Очиқ ва ёпиқ спорт мажмуалари, майдончалар қурилди. Мавжудлари қайта таъмирланди. Тошкент давлат авиация институти ва Урганч давлат университетида янги спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— «Универсиада — 2002» мусобақалари дастурида ўзгаришлар борми? Бухорода бошланадиган финал баҳсларига қадар ўтган босқичларда талабаларнинг иштироки қандай кечди?

— Албатта, бу йилги мусобақалар дастурига спортнинг сузиш, қўл тўпи, дзюдо турлари ҳам киритилди. Энди талабалар «Универсиада — 2000»дагидек тўққиз эмас, ўн икки тур бўйича ўзаро баҳслашадилар. Бу эса ёшларимизнинг келгуси йили Жанубий Кореяда ўтиши кутилаётган Бутунжаҳон талабалари «Универсиадаси»га тайёргарлик кўриш имкониятини оширади.

«Универсиада — 2002»нинг биринчи босқичи ўтган йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ташкил этилиб, унда мамлакатимиздаги мавжуд 61 та олий ўқув юртидан 130 минг нафардан ортиқ талаба иштирок этди. Шу йилнинг февраль-апрель ойларида иккинчи босқич якунланиб, унда ўн минг нафардан зиёд ёшлар Бухорода ўтадиган финал учрашувларига йўлланмани қўлга киритиш учун баҳс юритдилар. Энди эртага бошланадиган мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан саралланган кучли 16 жамоа ғолиблик учун курашади. Мазкур спорт ўйинлари дастурининг кенгайтирилганлиги боис, қатнашчилар сони ҳам ўз-ўзидан ортди. Беллашувларда 2368 нафар талаба қатнашади.

— Мусобақа ғолибларини қандай мукофотлар кутмоқда?

— Ушбу баҳслар иштирокчилари учун махсус спорт кийимлари, шунингдек, ғолиблар учун 230 та олтин, 230 та кумуш, 270 та бронза медаллари, дипломлар ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалар тайёрлаб қўйилган. Умумжамоа ҳисобида фахрли ўринларни эгаллаган жамоалар «Дамас» автомобиллари соҳиби бўлишади.

— Бухорода ўтадиган «Универсиада» Намангандаги мусобақалардан яна қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

— Эсингизда бўлса, Наманганда ўтказилган илк «Универсиада» машъаласи олови ўйингоҳнинг ўзида оддий гугурт ёрдамида ёқилганди. Бу сафар эса мусобақа машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш марказида 2600 даражадан ортиқ табиий қуёш нурида ёндирилди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

«УНИВЕРСИАДА» МАШЪАЛАСИ БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ

Кеча республика олий таълим муассасалари талабаларининг иккинчи анъанавий «Универсиада»си машъаласи илк бор Паркент туманида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида сахий офтоб нурларидан ёндириб олинди.Бу жараён барча вилоятлардан танлаб олинган талабалар иштирокида махсус ритуал асосида амалга оширилди.

Машъалани Сидней Олимпиадаси қатнашчиси, Пекинда ўтган Бутунжаҳон талабалари Универсиадасининг дзюдо бўйича кумуш ва бронза медаллари соҳиби Абдулла Тангриев, сузиш бўйича уч карра Осиё чемпиони Саида Искандаровалар биргаликда ёқишди. Ноёб қурилмалар ёрдамида қуёш нурларини ўзига сингдирган машъала белгиланган йўналиш бўйича Бухорога йўл олди. Юртимизнинг энг иқтидорли ва умидли талаба-спортчилари уни Паркент — Тошкент — Гулистон — Жиззах — Самарқанд — Навоий — Бухоро шаҳар ва қишлоқлари орқали қўлма-қўл баланд кўтариб манзилга етказишади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев иштирок этди.

■ **Зокир ТОШХЎЖАЕВ, (ЎзА) мухбири**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 74-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
57
13
87
80
71
77
30
29
81
11
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
90103259.3

2 ТУР
25
20
4
66
72
45
53
84
52
47
16
8
23
35
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
20107885.1
40038240.3

3 ТУР
3
21
73
89
9
41
69
34
44
76
14
18
65
74
60
64
24
75
59
37
58
85
79
6
43
31
19
12
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
10073854.2

4 ТУР
36
7
61
42
70
2
63
69
44
14
65
60
24
59
58
79
43
40
26
78
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
20037294.1
70061825.2

5 ТУР
86
Сони: 2
10
Телевизор
Сони: 1
Чипталар рақами
Телевизор
10022131.2
Чипта
50081562.2
рақами
30143649.3

6 ТУР
32
Сони: 5
68
Телевизор
Сони: 1
Чипталар рақами
Телевизор
50109287.1
Чипта
60152849.3
рақами
40036485.2

7 ТУР
48
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
70023849.3
80012147.2
90128461.1

8 ТУР
46
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
10022131.2
50081562.2

9 ТУР
88
Сони: 5
Телевизор
Чипталар рақами
50109287.1
60152849.3
70050016.3
80060898.3
80089322.1

10 ТУР
55
Сони: 5
Телевизор
Чипталар рақами
10047424.1
20144261.1
30050491.3
70032383.3
90022435.2

11 ТУР
33
Сони: 6
Видеомагнитофон
30082665.1
50073501.2
50079526.3
60104347.3
70045511.1
70064101.2

12 ТУР
5
56
Сони: 11
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
10088400.2
10112166.1
30014550.3
30020761.3
30047558.2
30078964.2
40002607.2
40080174.2
40107710.1
70035176.1
90085417.3

13 ТУР
50
Сони: 25
Сумма: 1500

14 ТУР
28
Сони: 29
Сумма: 1200

15 ТУР
Сони: 60
Сумма: 1100

16 ТУР
82
Сони: 94
Сумма: 1000

17 ТУР
1
Сони: 127
Сумма: 900

18 ТУР
90
Сони: 204
Сумма: 800

19 ТУР
67
Сони: 355
Сумма: 700

20 ТУР
22
Сони: 542
Сумма: 600

21 ТУР
17
Сони: 828
Сумма: 500

22 ТУР
27
Сони: 1154
Сумма: 400

23 ТУР
38
Сони: 2013
Сумма: 300

24 ТУР
54
Сони: 3215
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 138
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
15,
39,
49,
51,
62,
83

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 6 июндаги 76-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
2 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
3 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
4 ТУР – «Нексия» автомобили,
5-10 ТУРЛАР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
Колган турларда пул ютуқлари.
Чипта баҳоси – 300 сўм

Диққат янгилик! Имконият бир марта берилади, бу ҳам бўлса фақат «Яхши ният» лотереясида 2002 йил 4 июлдаги 80-тантанали тиражда 1-чи турдан 10-чи тургача ўзингиз ва фарзандларингиз учун 2 хонали уйлар Тошкент шаҳрида ҳужжатлаштириш имкони билан ўйналади. Ўйнанг!!! Бахтингизни қўлдан бой берманг!

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 25, 27 июнь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гагарин кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган «Муборак юрт» уй-жой мулкдорлари ширкатининг 4 қаватли уй биносининг 1-қаватидаги (380,1 кв.м.) маъмурий хоналари.

Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм (72 675 АҚШ доллари).

2002 йил 31 май, 4 июнь кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган танлов савдоларига сармоя киритиш шарти билан қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Раҳмат кўчаси, 27-уйда жойлашган 38-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 11 566,5 минг сўм.

Танлов савдосидан болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;

2. Амалдаги талаб ва меъёрларга мувофиқ болалар мактабгача муассаса биносини, иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш;

3. Боғча ҳудудини санитар талаблар бўйича ободонлаштириш, ёнингга қарши чора-тадбирларга мувофиқ сақлаш;

4. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;

5. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 31 майда шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда 4 июнда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www. uzrkmb. com

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'loniar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 771

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA